


Ойбек Холматов

ДИЛКАШ ШАҲАР ТАРИХИ



Ойбек Холматов

ДИЛКАШ ШАҲАР ТАРИХИ

(Шахрисабз тарихи талаба – тадқиқотчи нигоҳида)

“Янги аср авлоди”

Тошкент

2015

УЎК: 94(575.1)

КБК: 53.59

X – 18

Холматов, Ойбек

Дилкаш шаҳар тарихи / О.Холматов. – Тошкент Янги аср авлоди, 2015. – 60 б.

ISBN 978-9943-27-523-2

Буюк тарихий шахслар ҳамда уларнинг бунёдкорлик фаолиятини тадқиқ этиш бугунги кунда тарихнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур рисолада Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг Кеш-Шаҳрисабзда олиб борган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, бугунги кунда Шаҳрисабзнинг гуллаб-яшнашига бўлган эътибор, шаҳардаги музей фаолияти, Эшон қишлоқ археологийси каби масалалар ёритилган.

Ушбу рисола Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари тарихи ва маданияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 53.59

Маъсул муҳаррир:

Б. Ж. Эшов,

тарих фанлари доктори, профессор.

ISBN 978-9943-27-523-2

О.Холматов. «Дилкаш шаҳар тарихи», «Янги аср авлоди», 2015 йил.

СЎЗБОШИ

*Дедилар: Кишвари дурур дилкаш,
Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Кеш,
Хизр монанд сабзадин ранги,
Сабзаси суйи кўзгуси занги.*

Алишер Навоий

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг ўрта асрлар давридаги янги босқичи буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир номи билан боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам, бизнинг кунларимизга қадар етиб келган турли – туман манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳокият тепасига келгач ақл – идрок, адолат ва машварат ҳамда қонунчиликка асосланган қудратли салтанат барпо этди.

Бу ўринда олим, Қашқадарё тарихи билимдони П. Равшановнинг Ибн Арабшоҳ томонидан Амир Темурга берган баҳоси талқинини келтирамиз: “... осойишталигу хотиржамлик, фароғату тукинчилик, нархи – наво арзончилиги, орзу – ҳавас ушалиши, замон мўътадилига, султон одиллиги, танибадан сиҳатлиги, нафрат кўтарилиши (Амир Темур даврида – П. Р.) ҳосил бўлди”. Амир Темурга муяссар бўлган улуғворлик, ҳашамат, “бу қадарлик нарса (юқорида зикр этилган жиҳатлар – П. Р.) қадим ўтган халифалардан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва (бундан) кейин келадиганларидан ҳам бирортасига насиб бўлмайди”.

“Темур Тузуклари” даги куйидаги маълумотлар юқоридаги фикрларни тасдиқлайди: “...муҳолифларни кўнглини топиб дўстга айлантириш, дўст – душман орасидаги муомала, муросаю – мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим. Пирим Абу

Бакир Тойободий менга ёзмишларким: Абулмансур (зафарманд) Темур салтанат юришларида тўрт ишни кўлласин, яни, 1) кенгаш; 2) машварат маслаҳат; 3) ҳушёрлигу мулоҳазакорлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жохил одамга қиёслаш мумкин: унинг сўзлари пушоймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанаатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин”.

Амир Темур ва Темурийлар давридаги катта ва кичик шаҳарларда тинчлик ва осойишталик ўрнатилиб, ишлаб чиқариш, илм – фан, маданият ва ўзаро иқтисодий – савдо алоқалари ривожланди. Амир Темурнинг туғулиб ўсган ватани бўлмиш Кеш-Шаҳрисабз ҳам ана шундай тарихий-маданий жараёнлардан четда қолмади. XIV-XV асрлар давомида бу кўхна шаҳарда кўплаб меморчилик иншоотлари бунёд этилиб, ободончилик ишлари олиб борилди.

Бугунги кунга қадар, айниқса, мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлатчилик ва қонунчилик, элчилик муносабатлари, ислоҳатлар масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди ҳамда уларнинг натижалари нашр юзини кўрди. Ушбу тадқиқотларнинг нақадар аҳамиятли бўлганлиги ҳақида юртбошимиз И. А. Каримов ”Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ” ида ҳам алоҳида такидлаб ўтган эди.

Бутун дунё олимларининг эътиборини тортган Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданияти ҳақида қашқадарёлик олимлар-тарихчилар, ёзувчилар, журналистлар, адабиётчилар ҳам кўплаб тадқиқотлар

олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Шулардан бири – шаҳрисабзлик ёш тадқиқотчи, ЎзМУ тарих факультети, археология бўлимининг 4-курс талабаси Ойбек Холматовдир. Ойбек ўзининг ватан тарихига бўлган муҳаббатини биринчи курслигидан бошлаб чоб этаётган илмий ишлари орқали номоён этиб келмоқда. Ўтган йили унинг «Қадимий Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар» номли (янги аср авлоди, 2014. 52 б.) рисоласи ҳам чоп этилди.

Ёш талаба – тарихчининг кўлингиздаги маскур рисоласи ҳам Шаҳрисабз тарихига бағишланган. Рисолада бугунги кунга қадар мавжуд бўлган маълумотлар асосида кўхна Кешнинг маданий ижтимоий-иқтисодий тарихи, Шаҳрисабздаги Амир Темура номли моддий маданият музейи фаолияти, Шаҳрисабзни ободонлаштириш борасида режалаштирилаётган ишлар ҳақида сўз юритилади.

Рисоланинг «Эшонқишлоқ археологияси» номли парагрифи диққатга сазовордир. Ушбу парагриф археологик хусусиятларга эга бўлиб, ундаги муаллифнинг ўзи олиб борган тадқиқотлари асосида чиқарган хулосалари бир оз чалкашроқ бўлишига қарамасдан, талаба тадқиқотлари нуқтаи назардан тахсинга лойиқдир.

Ойбек Холматов, ўйлаймизки, келажакда ватан археологиясининг етук мутахассиси сифатида янги-янги кашфиётларни амалга ошириб, ўзининг мухтасар хулосаларига эга бўлади.

***Б. Ж. Эшов.
тарих фанлари доктори,
профессор.***

ШАҲРИСАБЗДА ИЛК БОР ЗАРБ ЭТИЛГАН ТАНГАЛАР

Қадимги Шаҳрисабз шаҳри Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Буюк Ипак йўлида жойлашган, Узоқ шарқни мусулмон дунёси ҳамда Европа билан боғловчи бу шаҳар азал - азалдан илм - фан ва маърифат маркази бўлиб келган. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас».

Шаҳрисабзнинг бой тарихиузоқ йиллардан буён кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу кўҳна шаҳарда пул муомаласи ривожланишининг дастлабки босқичи ва мустақил ҳолатда танга зарб этила бошлаган давр тадқиқотчилар томонидан имконият даражасида ўрганилган.

Кеш тангаларини биринчи бўлиб илмий жараёнга жорий этган О.И. Смирнова бўлиб, татқиқотчи ҳозирги кунга Шаҳрисабз худудидан дастлабки топилган тангаларнинг бирида саккизта харф-белгидан иборат ёзув бор, деб ҳисоблайди тадқиқотчининг фикрича дастлабки тўртта белгини «Кушонларники», «Кушонларга оид» деб ўқиш мумкин. Лекин, бу ерда «ап» (п) бўғини ёзув учун жой йўқлиги сабабли тушиб қолган. Шунингдек О.И Смирнова В. Хеннинг ва В.А. Лившицлар томонидан таклиф этилган услубга ҳам қўшилади. Унинг фикрича, ёзувдаги иккинчи сўз унвонни англатади - (улуғ).

О.И Смирнованинг фикрига қўшилган С. К. Кабанов сўнги Кушонларнинг Нахшабда бўлганлиги ҳақида

кўпгина фикрлар билдиради. Аммо, бу фикр тарихий ва тангашунослик манбалари оркали тасдиқланмайди. О.И Семированынг фикри анчагина тахминийдир. Хусусан, унинг биринчи сўзда ёзиладиган жой йўқлиги туфайли «ап». бўғини тушириб қолдирилган, деган хулосаси кишига шубҳа туғдиради. Бошқа тадқиқотчиларнинг тангалар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда бу бўғинни ёзиш учун бўш жой етарли, биринчи сўздаги иккинчи харфни «W» деб ўқиш шубҳалидир. Баъзи танга ёзувларида иккинчи харф «K» дан кейин бошқа харфларга уланмаган тўғри ёки ярим эгри чизик борки, улар «W» дан кўра кўпроқ «П» ёки «З» га ўхшайди. Аммо бу тамғадаги нуқсон бўлса керакки, унда иккинчи харфнинг бошланиш қисми етарлича чуқур ишланмаган. Шунинг учун ҳам харфда узилиш бўлиб, битта харфнинг ўрнида иккита харф кўриниб қолган. Сўзлар аниқ битилган тангаларда, бу харф бошқалари билан кўшилган бўлиб Сўғдча «С» харфини билдиради.

Сўздаги учинчи белги ярим букланган ўзига хос шаклга эга бўлиб, афтидан «П» бўлса керак, тўртинчи белги эса кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этган «K» . Юқоридагилардан хулоса чиқариб ёзувнинг биринчи сўзини «С» ёки «C» деб ўқиш мумкин.

О.И Смирнова яна бир Кеш тангасини тадқиқ қилиб танганинг терс томонидаги Сўғд ёзувида ном, ҳукмронлик қилган жой битилган, деган хулоса чиқаради. Тадқиқотчи ҳукмдорнинг номини дастлаб Ахурдат - «Ахура тақдим этган», деб ўқиган бўлса кейинроқ эса, ҳозирги кунда барча тадқиқотчилар эътироф этган «Ахурпат» деб ўқишга қарор қилди.

Аммо, В.А. Лившиц ушбу сўзни «Рафганлик» эмас «Кешлик» деб ўқишни тангадаги барча сўзларни эса Ахурпат Кеш хокими деб ўқишни таклиф қилади.

Хукмдорнинг номини ёзма манбаларда маълум бўлган Кеш хукумдорлари номи билан таққослашга келсак, бу ном нафақат «Ахудида», балки 656 - 660 йилларда хукмронлик қилган Ши-хе (Шир) - Ахура номига ҳам мос тушади.

Археологик тадқиқотлар натижасида Кешган Сўғд хукмдор камончитасвири тушурилган кумуш танга топилган. Шу гуруҳга оид, лекин бошқа нусхадаги кумуш танга иккита Сўғд мис тангаси билан биргаликда топилган. Аммо, бу тангаларнинг санаси жуда катта хронологик даврини ўз ичига олади, Хукмдор ва камончи тасвирлари тушурилган тангалар I, II, VI асрнинг бошлари билан саналса-да, мис тангалар III, VI, VII асрларга оиддир. Шу билан биргаликда таъкидлаш жоизки, топилган камончи тасвири танга ўқиши жуда яхши сақланган қисқа сўғд ёзуви мавжудки, у афтидан хукмдорнинг номини малумқилади: «Гурак».

Шунингдек, А.С. Сагдуллаев томонидан топилган Сўғд мис тангалари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Уларда хукмдор ва якка кураш баҳси тасвири туширилганлиги хар иккала нусхадаги танга ҳам Кеш вилояти ҳудудида муомалада бўлганлигидан далолат беради. Якка кураш манзараси туширилган мис тангалар ўрганилиш тарихи, тахлили ва ёйилган ҳудудлари С.К. Кабанова, М.Е. Массонлар томонидан батафсил тадқиқ этилган.

М.Е. Массон маълумотларига қараганда, 1906 йилда Китоб яқинидан Юнон- Бактрия тангаларининг катта хазинаси топилган бўлиб, улар орасида Евкратиднинг оболлари, драхмалари ва

тетрадрахмалари, шунингдек Антимахнинг иккита тангаси бор эди. Ундан ташқари Шахрисабздан топилган тўртта Антимах оболи ҳақида маълумот бор. Тош ДУ экспедицияси қазилмалари пайтида Диодотнинг мис тангаларини ҳам аниқлаган. Милоднинг бошларига оид танга топилмалари ҳозирча кўп эмас.

Кешдан Сўғд ихшидлари Шишпирдан (642 - 656) Тургаргангача (738 - 750) ҳукумронлик даврига оид айрим бронза тангалар топилган. 711 йилда Абу Муслим даврида қатл этилган Кеш ҳукумдори Ихрининг унчалик кўп бўлмаган фельслари VIII асрнинг ўрталари ёки иккинчи ярмига оиддир. Уларнинг ўнг томонида араб алифбосида «Ихрид Кеш дехқони», терс томонида эса «Бу фельс Кешда зарб этилган» деган ёзувлар битилган. Бу тангалар шуниси билан қизиқарлики, улар маҳаллий Ўрта Осиё ҳукмдорлари томонидан зарб этилиб, фақат араб тилида ёзувлар битилган нисбатан дастлабки тангалардир.

Шундай қилиб, ҳозирги мавжуд бўлган нумизматик маълумотлар шундан далолат берадики, Наутака - Кеш вилоятида пул муомаласи қадимдан пайдо бўлиб, тинимсиз ривожланиб борган. Топилган тангаларнинг барчаси маҳаллий Сўғдий бўлиб улар милоднинг бошларидан бошлаб зарб этила бошлаган. Бу ҳудудлардаги пул муомаласи кумуш ва мисга асосланган. Бу ерда илк ўрта асаларда зарб этилган тангаларда ҳам Кеш номи учрайди. Аммо Кешда мустақил ҳолатда танга зарб этилишини милоддан аввалги I милодий I асрга оид, деб айтиш мумкин.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4291> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4291> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4291>